


Куръони Карим тиловати



Аллох таолонинг охирги китоби бўлмиш Куръони Каримнинг тиловати ҳам нафс поклиги ва ахлоқ сайкалига катта таъсири бор омилдир.

Аллох таолонинг Китобини тиловат килиш унга шунчаки кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлашдан иборат эмас.

Куръон тиловати – уни бутун вужуд билан хис этган холда тадаббур ила ўкиб, унга амал килишдир.

– Куръон хомилларининг сифатлари.

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) шундай деганлар: «Куръон хомили кечаси одамлар ухлаганда бедорлиги билан, кундузи одамлар огзи очик юрганда рўзадорлиги билан, одамлар кулганида йигиси билан, одамлар хурсанд бўлганида махзунлиги билан, одамлар махмадоналик килганида жим туриши билан, одамлар гердайиб юрганида хушуъси билан танилмоги лозим. У гофил, бакирок ва тез бўлмаслиги керак».

Фузайл ибн Иёз (рахматуллохи алайхи) дейди: «Куръон хомили – Ислом байрогини кўтарувчидир. У Аллох таолони улуглаш учун беҳуда сўзловчи билан беҳуда сўзламаслиги, унутувчи билан унутмаслиги, бемаза ила бемазалик килмаслиги керак. Унинг бировда хожати бўлмасин, бировларнинг унда хожати бўлсин».

– Куръон тиловати одоблари:

1. Куръони Каримни кироат килувчи тахоратли бўлиши лозим.
2. Куръони Каримни кироат килувчи одобли бўлиши керак.
3. Куръони Каримни кироат килувчи чўкка тушиб, тавозеъ билан ўтириши керак.
4. Куръони Каримни кироат килувчи чордана куриб, ёнбошлаб ёки мутакаббирона ўтирмаслиги керак.
5. Кироат килувчи учун энг афзал холат намозда тик турган холда ва масжидда ўкимокликдир.

6. Куръони Каримни кироат килувчи ўзининг муҳим ишларини ташламаслиги керак. Ишдан бўшаганида кироат килади.
7. Куръони Каримни кироат килувчи учун кироат кўпайиб, баданига зарар етказадиган бўлмаслиги лозим.
8. Куръони Каримни кироат килувчи шошилиб, тартил ва тажвидни бузмаслиги керак.
9. Куръони Каримни кироат килувчи оддий шахс бўлса, хар куни бир порадан ўкиб, бир ойда бир марта хатм килиб туриши лозим.
10. Кироатни кўп килмокчи бўлса, уч кунда бир марта хатм килиши керак.
11. Хатм килганидан кейин Аллох таолога дуо килиши марғубдир.
Ибн Масъуд (розияллоху анху):
«Куръони Каримни хатм килган киши учун мустажоб дуо бордир», – деганлар.
Анас ибн Молик (розияллоху анху) қачон хатм килсалар, ахли аёлини жамлаб дуо килар эдилар.
12. Куръони Каримни кироат килувчи тиловатни имкон борича чиройли килишга ҳаракат килмоги мустаҳабдир.
13. Кироатни ичида килиш мустаҳабдир. Бу ўзига эшитиладиган кироатдир.
14. Баъзи мақсадлар учун овозни баланд кўтариб кироат килиш ҳам жоиз.
15. Куръони Каримни кироат килувчининг мусхафи бўлса, ўша мусхаф қаровсиз қолмаслиги учун хар куни маълум оятларни бўлса ҳам, унга қараб ўкиб турмоги лозим.
16. Куръони Каримни кироат килувчи ўзи ўқиётган қалом башарнинг эмас, Аллох таолонинг қаломи эканини ва У Зотнинг улуглигини доимо хис килиб турмоги лозим.
17. Кироат килувчи ўзи ўқиган хар бир оятни тадаббур килмоги матлубдир.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф («Муқаммал саодат йўли» китобидан)